



# МАНАЛЛА

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 62-63 (194-195)

2000 йил 30 август, чоршанба

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

## ҚУТЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи мукофотландилар. Мукофотланганлар орасида «Маҳалла» жамғармаси ходимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳам бор.

### «Эл-юрт хурмати» ордени билан

- АЛИМХОДЖАЕВА Хури** - Чилонзор тумани «Лutfий» маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси, Тошкент шаҳри
- БЎТАЕВА Райхон Абдурахимовна** - Шўрчи туманидаги «Янгибозор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти
- КАМОЛДИНОВ Билалидин** - Избоскан тумани «Ўртоқлар» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти
- МУХИТДИНОВ Шамшиддин** - Наманган шаҳар Охунбобоев номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти
- ҚУРБОНОВ Татьяна** - Вилот Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси, Самарқанд вилояти

### «Меҳнат шухрати» ордени билан

- АВАЗОВА Хурсан Аҳмедовна** - Миробод тумани «Сариқул» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар кўмитаси раиси, Тошкент шаҳри
- ҲАЙДАРОВ Саттор Бегимович** - Ховос тумани Фарҳод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

### «Дўстлик» ордени билан

- МАТЕНОВ Курбанбай Алиевич** - Қонликўл тумани «Бешқўпир» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси
- МУҲАММАДИЕВ Ҳамро** - Олтинсой тумани «Оқ олтин» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти
- РУЗИЕВ Юнус** - Вобкент тумани Халач қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти
- ҚУШБАКОВА Озотой Исаковна** - Пахтакор тумани А.Икромов номи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

### «Шухрат» медали билан

- АБДУЛЛАЕВ Нигматилла** - Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси ўринбосари
- МАВЛЯНОВ Бурхон Мухитдинович** - Ҳамза тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри
- МУРАТОВ Мустафа** - Учқудук тумани «Мингбулоқ» овул фуқаролар йиғини оқсоқоли, Навоий вилояти
- СОДИҚОВ Хислат Сиддиқович** - Республика «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани бўлими раиси
- СУЛТАНОВА Иззат** - Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани бўлими раиси
- ҚАҲҲОРОВА Холбуви Махатовна** - Оқўрғон тумани «Тошўғон» фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви ва «Маҳалла» газетаси тахририяти ҳамкаб-ларини юксак мукофотлар билан қутлайди.



## ЙИЛЛИГИ

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси кубоги учун 14 ёшгача бўлган болалар ўртасида маҳаллаларо футбол баҳси қўрилган. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

## ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — ИШОНЧЛИ ҚўЛАРДА ЭКАН

\* Бу баҳсларда 6673 футбол жамоаси, юз мингдан ортиқ болалар иштирок этди.  
\* Голлиб жамоалардан кўпайиб ёш футболчилар келажакда катта футболда ўйнаши тайин, дея башорат қилинмоқда.  
\* «Биз болалар юрагига йўл топдик».



лар ўз кучларини синаб қўрди. Айниқса Бухоро, Фарғона, Қарши ва Тошкент шаҳарларида вилоятлар ўртасидаги энг кучли жамоалар иштирокида ўтказилган ўзининг босқич мусобақасининг ўзининг кўрашлари билан алоҳида ажралиб турди. Ушбу турда гуруҳда барча рақиблари устидан ғалаба қозongan Бухоро шаҳри Файзулла Хўжаев тумани Жўбор маҳалласининг «Еш куч», Фарғона шаҳрида Оқриқ маҳалласининг «Нафосат», Қашқадарё вилояти, Қосон тумани Пахтазор маҳалласининг «Пахтазор» ва Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги Оқ маҳалла маҳалласининг «Оқ маҳалла» командалари ярим финалга йўланма олди.

(Давоми 2-бетда.)  
Суратда: голлибларни тақдирлаш пайти.

## ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Азиз «Mahalla» муштарийлари! Хабарингиз бор, Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги одди-дан Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловини эълон қилиб, голлибларга кўрақ нишонлари ва пул мукофотлари тасвир этган эди. Шу муносабат билан ўтказилган танловларнинг вилоят босқичида ва Қорақалпоғистон Республикасида голлиб бўлган қуйидаги оқсоқоллар республика танловига тавсия этилган эди:

вилояти Жарқўрғон тумани Наврўз маҳалласи оқсоқоли Юсуф Тўраев, Тошкент вилояти Тошкент тумани Алишер Навоий номи маҳалла оқсоқоли Эркин Ғуломов, Хоразм вилояти Ботот тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шомурод Отаназаров, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Чигатой Оқ-тепа маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминов, «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик танлови республика босқичида эса вилоятларда голлиб бўлган қуйидаги тадбиркор оқсоқоллар иштирок эттиди:

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани Жумуртов шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Шарифа Аллабергенова, Андижон вилояти Олтинкул тумани Каттаоқтепа маҳалласи оқсоқоли Муҳаммаджон Абдувалеев, Жиззах вилояти Жиззах шаҳар Рақалиқ маҳалласи оқсоқоли Абдусаттор Абдулганимов, Наманган вилояти Наманган тумани Қоратепа маҳалласи оқсоқоли Султонхон Қалиндаров, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар Каттақўрғон маҳалласи оқсоқоли Нemat Бағиров, Сурхондарё вилояти Денон шаҳар С.Раҳимов номи маҳалла оқсоқоли Назарали Шўкуров, Тошкент вилояти Зангиота тумани Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Солих Норхўжаев, Хоразм вилояти Урганч шаҳар Бўстон маҳалласи оқсоқоли Юсуфбой Мадримов, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани А.Назаров номи маҳалла оқсоқоли Собир Қомиллов. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, «Ибратли маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловига Фарғона вилоятидан номзод тавсия қилишда кўрик-танлов низомига риоя қилинмаганлиги учун илобатга олинмади. «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловига эса Қашқадарё, Навоий ва Сирдарё вилоятларидан номзод тақдим этилмаган. Фарғона вилоятдан эса танлов низомига риоя қилинмаган.

## ШУ КУНИНГИ

2-саҳифасида:

- Футбол тугади - болалардаги қизиқиш тугагани йўқ
- Самолётда туғилган бола қаерда қайд этилади?
- «Мухбир» ўзини фoш этди...
- Ўрикзор эл назаридаги маҳалла

3-саҳифасида:

- Буюк истиқлол айёми билан қутлаймиз!

4-саҳифасида:

- Шукр қилганга неъмат зиёда!
- Ниқобдаги «отиной»лар.
- Орзум оддий, дейди Раҳмон ҚўЧҚОР - руҳиятимиз юксакка интилсин.

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## ОТИНОЙИЛАР — ОҚИЛА ОНАЛАР

Мустақил Ўзбекистонимизнинг чегара ҳудудларида юз берган кўнгилсиз воқеалар, халқаро террорчиларнинг малайлари уюштирган хунрезликлар муносабати билан яқинда Тошкент вилоятида ўтказилган онахону, опа-сингиллар билан ҳолисона сўхбат вақтида маъруза қилган Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлиги Шухрат Жалилов ўз эътиборини маъруза масалаларга қаратиб, ҳаётимизнинг гузаллигини ва оқсоқолларнинг кўз қорачиғидек сақлаб келаётган оналаримиз, опа-сингилларимиздан умрбод қарздорлигимизга урму берди. Маҳаллаларда, аҳоли турар жойларида аёллар ўртасида маънавий-маърифий ишларни олиб бораётган отинойилар фаолиятига тўхталиб, ҳар бир инсон кўнгиллини ёритувчи, руҳини кўтарувчи, нанки онага, балки бутун жамиятга аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишловчи фаоллар тоифасидан бўлишга даъват этди. Айни вақтда отинойлик фаолиятига киришган фаолларнинг ўзи ўқимишли, ҳаёт тажрибасига эга бўлган, дин асосларини теран билладиган, махсус тайёргарлиги бор инсонлар бўлиши лозимлигини ўқитди. Тошкент вилоятида ҳозирги маълумотларга кўра, отинойлик фаолияти билан шуғулланаётган 45 та аёлнинг фақат биттасини шу мақомга лойиқлиги ҳақида ҳужжатга эгаллиги, ҳали бу соҳада ечилиши лозим бўлган муаммолар етарли эканлиги кўрсатди. Сўхбатни олиб борган ва хотимасига етказган Тошкент вилояти ҳокимининг муовини, хотин-қизлар кўмитасининг раиси С.Хўжаева, вилоят фуқаролари, барча халқимиз қатори Президентимизнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаётганини билдириб, йиғилганларни мустақил Ўзбекистон тинчлигини бузишга қасд қилган хоинларга қарши курашга ҳозирлигидан келиб чиқиб, олдингидан кўра янада зийрак, огоҳ турнишга чақирди.

Р.РАҲМОНОВ.

Бу ҳақда 4-саҳифада ҳам ўқинг.

**MAHALLA**  
Ўзбекистон «МАҲАЛЛА» хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Нашр кўрсаткичи: 148

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82

Ҳомий: «Матбуот таркатуви» хиссасдорлик жамияти

Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмунини, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

# ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ - ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА ЭКАН

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тошкент шаҳридаги «Чигатой» стадионида ўтказилган ярим финал учрашувлари ҳам катта кичик футбол ишқибозларида зўр қизиқиш уйғотди. Гуруҳдаги учта ўйинда ўн-та тўп киритиб, ўз дарво-

йўланма олдидлар. Ўтган шанба кунини Тошкент шаҳридаги «Пахтакор» стадиони байрамона тус олди. Зеро, ёш футболчилар ҳаётларида ilk бор ушбу кутлуғ ўйингоҳнинг яшил майдонида республика турнирининг голиб жамоасини аниқлаш

мал Икромов туманидаги «Оқ мачит» номи маҳалланинг «Оқ мачит» ўсмирлар футбол жамоасининг барча ўйинчилари - Бобур Исроилов, Зухриддин Муҳаммадхўжаев, Шерзод Комилов, Носир Абдуллахўжаев, Хайрулла Муҳамедов, Асомиддин Низомиддинов, Камолддин Қаҳқоров, Шохруҳ Аҳмедов, Комил Маҳкамов, Дониёр Сайидумаров, Санжар Сайидумаров, Бахтиёр Тағиров, Отабек Сафоев, Равшан Муҳиддинов, Баҳром Муҳиддинов, Азиз Юнусов, жамоа мураббийси Зиёвуддин Низомиддинов ва маҳалла оқсоқоли Саъдулла Ибрагимовлар олтин нишонлар билан тақдирланди. Жамоага бош соврин - кўма биллур Кубок ва «ДЭУ» телевизори топширилди.

Финал ўйини пайтида қувонч билан тўққиздан тўққиз ўтирган Пулат хожи ота Аҳмедов севинчини биз билан ўртоқлашди: «Оқ мачит»нинг икки ўйинчиси менинг невараларим. Жамоа сардори Баҳром Муҳиддинов ва Равшан Муҳиддиновлар. Мен келажакда ушбу чемпион ўсмирлардан ҳақиқий футболчилар етишиб чиқишининг тилакдошиман. Ўзим ёшлигимдан футболга қизиқиб Бўканин «Кооператор» ва Тошкентнинг «Старт» жамоаларида тўп сурганман, - дейди биз билан суҳбатда

«Оқ мачит» жамоасининг мураббийси Зиёвуддин Низомиддинов. - турнир ўтказилишини эшитиб оқсоқол билан бирга маҳалла ҳудудидаги 123 - ва 116 мактаблар болалари орасидан энг кучлиларини саралаб шу ўқув даргоҳларининг спорт майдонларида тайёрларик кўрдик. Болаларнинг баҳамжихатлиги, қуюнчақлиги, футболни астойдил севиши ўз мевасини бериб қалаба қозондик. Эндиликда, жамоанинг галабага энг кўп ҳисса қўшган ўйинчилари келажакда моҳир футболчиларга айлиниши мумкин.

Мутахассислар фикрига кўра дарвозабон Азамат Алиқулов («Пахтазор» жамоаси), ҳимоячи Хайдарали Аҳмедов («Ёш куч»), ярим ҳимоячи Асомиддин Низомиддинов («Оқ мачит»), ҳужумчи Акбар Солиқов («Нафосат») «Футболимиз келажак» кубогининг ўз линиялари бўйича энг кучли ўйинчилари деб топилди. «Оқ мачит» сардори Баҳром Муҳиддиновга мусобақанинг энг яхши ўйинчисига мўлжалланган соврин насиб этди. Умуман, мусобақа ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан жамоалар учун жуда кўплаб рағбатлантирувчи совринлар ажратилгани, уларни Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши раиси, Олий Мажлис депутаты Шухрат Жалилов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қў-

митасининг раиси Баҳодир Махситов, Ўзбекистон Республикаси Футбол Федерациясининг бош қотиби Зокиржон Қурбонов, таниқли мураббий ва футбол фахрийларидан Сергей Аритонов, Исоқ Тошмуҳамедов, Акмал Азизхўжаев, Ёдгор Саъдиев ва бошқалар топширгани болалар қалбида умрбод қолиб, уларни катта спорт сари етаклайдиган омил бўлади, десак алашмаймиз.

Мусобақа бошланишидан олдин у кўплаб ёш иқтидорларни кашф этишига умид билдирилганди. Эндиликда ўзимиз бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Тошкент шаҳри, барча вилоятлар жамоаларининг ўзининг энг яхши хислатларини кўрсатган кучли, истеъдодли ўйинчиларини махсус футбол мактаблари-га жалб этиш ишлари ҳам

тез фурсатларда амалга оширилади.

Қувонарли томони шундаки, Ўзбекистон телевидениесининг «Ёшлар» канали мусобақаларни тўла-тўқис ёритишга ҳаракат қилди. Энг муҳими, болалар футболини ривожлантиришда маҳалла оқсоқолининг ҳам тугган ўрни тўғри белгилани, уларга ҳам ҳақи равишда олтин ва қумуш нишонлар, дипломлар топширилди. - Болаларимиз юрагига футбол орқали йўл топиб, уларни ҳар томонлама чиниқтиряпмиз, - дейди мусобақа яқунлари тўғрисида Республика «Маҳалла» жамғармасининг раиси Шухрат Жалилов. - Уларнинг келажакда эл-юртга фидойи, ватанпарвар инсонлар бўлиб етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Дилшод ИСРОИЛОВ.



Оқ мачит маҳалласи оқсоқоли Саъдулла Ибрагимов ўз голиб жамоаси билан кўкси тоғдек ўсди.



засидан атиги битта гол ўтказиб юборган ҳолда ҳақи равишда мусобақанинг энг кучли жамоаси номига даъвогарлик қилаётган «Оқ мачит» футболчилари бу гал ҳам майдонда ҳужумкор рўҳда ўйнаб, ўзларининг фарғоналик рақиблири устидан 7:2 ҳисобда йирик галабага эришдилар. Иккинчи ярим финал учрашуви эса жуда кескин кечди. «Ёш куч» ва «Пахтазор» ўртасидаги ўйиннинг асосий вақти дуранг натижа билан яқунлашиб, фақат қўшимча вақтдагина омад бухоролик футболчиларга кулиб боқиб, улар 3:1 ҳисобда зафар кучдилар ва финалга

мақсадида тўп сурдилар. «Оқ мачит» ва «Ёш куч» жамоалари мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрганликлари, таркибларида кўпгина кучли ёш футболчиларга эга бўлганликлари учун финал беллашуви ҳам мурасасиз кечди. Ташаббусгоҳ у жамоа, гоҳ бу жамоа томонида бўлди.

Ўзининг дастлабки ҳужумларидан бирини муваффақиятли яқунлаган «Оқ мачит» жамоаси тезда олдинга чиқиб олди. Танаффусдан кейин «Ёш куч» ташаббуси қўлга олишга қанчалик уринмасин, 1:0 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади. Шундай қилиб Тошкент шаҳар, Ак-

## «АСТРОБОД»ГА МАРҲАБО

Бектемир туманида мустақиллик байрами арафасида янги гузар-марказ қуриб битказилди. Гузар-марказ қуриб битказилган куниеқ «Маҳалла» жамғармаси Бектемир тумани бўлими ихтиёрига топширилди. Гузар-марказда жамғарма идораси фаолият кўрсатади. Шунингдек, ундаги катта, шинам зал, буфет, сартарошхона, суратхона, почта бўлими, устахоналар Бектемир тумани аҳолиси хизматида бўлади. Гузар-марказда ички ишлар ходимлари учун таянч пункти ҳам мавжуд.



Суратларда: «Астробод» гузар-маркази. Янги гузарда суннат тўйи бўлди. Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



Ушбу гузарда суннат тўйи бўлди.

## МУХБІР ҚИЁФАСИДАГИ... «МЕХМОҲ»

Балиқчи тумани марказий кутубхонасининг қорувли Мирзараҳмат тушиқдан қайтар экан, ишқибозидан қиқиб кетаётган номаълум шавста кўзи тушиб шубҳаланди. Қизик, маҳаллаларда бунча «жомалонча» кўтариб юриш урф эмас. Демак... Қолаверса, бугун дам олиш кунин. Кутубхонада биргина навбатчи кутубхоначи бор холос-ку?

Мирзараҳмат етиб келиб навбатчи аёлдан кетган кишининг қимлигини суринтирди. Танмас эмис. Кутубхона ҳўжалик ишлари мудирининг бугун ишга келиш-келмаслигини, туман почта-алоқа идорасининг қараллигини сўраган эмис. Кутубхона хизматчилари вақтида ойлик маош олиш-олмасликлари, қанча китоб жамғармасига эга эканликлари қабилир билан «қизққан». Навбатчининг дафтарига ўзини «муҳбир» деб ёздирганимиш-у, нима мақсада келгандлигини «шарт эмас» деб қайд қилдирганимиш...

Баттар шубҳаси ортган қоронув сергалликни қўлдан бермай, дарҳол сизим қўли ички ишлар бўлимига хабар қилди. «Кечқурун яна келаман» деб кетганини ҳам айтишни унутмади.

Миннатдоримиз, деди ички ишлар бўлими ходимлари ва кечқурун албатта кутиб олиш, кўзлаб қочирмай хабар бериш ҳамда бошқа қандай чора-тадбирларни кўриш унга уқтирилди.

Шомдан ўтиб, қоронғу тушгач, шубҳали шавса яна пайло бўлди. Мирзараҳмат уни «жуда ҳушумомалалик» билан кутиб олди. Ташрифидан мақсадини усталик билан суринтирди. Унга «ҳўжалик ишлари мудирини керак» эмис, лекин ўзини «тополмасиниш».

- Мана биз топиб берамиз! - деди артист бўлиб кетган қоронув, - кўчда кутиб туринг, ишқона эшиқларини маҳкамлаб чиқай, сизни ўзим бошлаб бораман. Унинг маҳал-

ласи жуда яқин... Тегини ҳоли телефон қилиб огоҳлантиригач, «мехмон»ни бошлаб йўлга тушди. Маълум масофада кутимганда машина тўхтаб, ички ишлар ходимлари томонидан «мехмон» ва «меҳоб» ўраб олинди. «Мехмон»нинг жомалончасидан турли қозғолар холимларга шубҳа унғотди. Бунинг устига «муҳбирлик» шавсини тасдиқловчи биронта ҳужжат ҳам топилмади. Аниқлик қиритиш учун Балиқчи тумани ички ишлар бўлимига олиб борилди ва тегинли тартибда суштириув ишлари бошлаб юборилди.

Хўшёрини ва ўзининг сезир хатти-ҳаракатлари билан маҳалла тинчи, мустакил юрт оёқини шавсини сақлаганини ҳисса қўлган кутубхона қорувли Мирзараҳмат та-шаққур билдирилди.

Муҳаммад КОДИР, Андижон вилояти.



Ушбу гузарда суннат тўйи бўлди.

### ОҚСОҚОЛ ИЛҲОМИ МАҲАЛЛАМ

Умр бешигим ўзинг, сенсан менинг маҳаллам, Барчага имкон ўзинг, сенсан менинг маҳаллам, Ҳам макону, ҳам имкон, сенсан менинг маҳаллам, Ўргилайин сендан мен, жонга дармон маҳаллам.

Бағрингда биз барчамиз, улғайиб тоғдик камол, Ўйнаб, кулиб ўсдик биз, кўрмагин сен ҳеч завод, Ҳарвақт, доим суяқин ҳам сеvimли бўлиб қол, Биз учун сен доимо шоду-хандон маҳаллам.

«Оқибат» деб, аталдинг, оқибатли бўлдинг сен, Маҳаллалар ичинда, тароватли бўлдинг сен, Меҳр-муруват бобида, саховатли бўлдинг сен, Борлигиндан ўргилай, садоқатли маҳаллам.

Сен биз учун муаттар, бўлдинг суяқли она, Атрофингда ёш-қари эрур доим нарвона, Парвонадай учиниб, кучиб сени ҳарёна, Деймиз: - «Доим омон бўл!» мунистиям маҳаллам.

Мустақиллик туғайли эриндинг сен олий бахтга, Юртинимиз эъзозлаб; КўТАРДИ сени қафтга, Халқимиз ҳурмат қилиб; Ўтқалди сени тахтга, Тахту бахтинг муборак, тағти, аҳди маҳаллам! Тўққиз йиллик байрамнинг кутлуғ бўлсин маҳаллам!

Омонулла ШАРИПОВ, Мирзо Улугбек тумани, «Оқибат» маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

### ОСТАНКИНОДА ЁНҒИН

«Курск» сувости кемасининг ҳалокати билан боғлиқ шов-шувларнинг ҳовури босилмай туриб, 27 август - яқинда кунини маҳаллий вақт билан соат 15.20 да Москвадаги Останкино телеиниорасида ёнғин чиқди ва Россия яна оммавий ахборот воситаларининг диққат марказидан жой олди. Ёнғин Москва шаҳрининг кўрки ҳисобланган бу ноёб иншоотнинг 380 метр баландлигида бошланди.

Россия Ёнғинга қарши кураш хизмати-нинг Москва шаҳри бошқармасидан маълум қилинишича, фалокат бошлангандан кейин, одамлар телеиниорадан нарвонлар ёрдамида олиб чиқилган. Чунки, бу пайтга келиб лиф-тлар ишламай қолган эди.

Ўт ўчирувчилар тўни бўйи ёнғинни учир-иш билан машғул бўлганига қарамай, ду-шанба эрталабга келиб, аланга 100 метргача паства ўрмаланди. Қурбонлар ҳақида маълумот йўқ. Дастлаб, ўт ўчирувчиларнинг уч нафари бедарак йўқолгани ҳақида хабар тар-қалган эди. Кейинроқ фақат бир офисер из-сиз йўқолгани эълон қилинди. Душанба кун-ни тушдан кейин эса лифтда тўрт киши қамалиб қолганини маълум бўлди.

Москва шаҳри мэри Юрий Лужков тез-кор мажлисада вазият ёмонлигини айтди, бироқ ёнғин туғайли телеиниоранинг қу-лаш эҳтимоли борлигини рад этди. Офат содир бўлган жойда мамлакат ички ишлар вазири В.Рушайло ёнғин ортида жиноий

излар борлиги даргумон эканини таъкид-лаб, фалокат техник носозлик оқибатида юз берган бўлиши мумкин, деди. Мино-радаги ёнғин туғайли телекўрсатуви ва ра-диоэшиқтиришларини узатиш қурилмалари ишдан чиққан.

Ўт ўчирувчиларнинг туну кун олов бил-ан олинишига қарамай, ёнғинни душанба кунин кечқурунга келиб ўчиришга муваффақ бўлинди. Узлиб тушган лифт ичидан тўрт кишининг жасадни топилди.

Россия президенти Владимир Путин, нав-батдаги факулдада ҳодиса мамлакатнинг му-ҳим стратегик иншоотларининг аҳолини, умуман, мамлакат қандай аҳолида эканини кўрсатмоқда, деди.

Россия жамоатчилик телевидениеси бош директори Константин Эрнстининг таъкидла-шича, агар таъмирлаш ишлари яхши кетса, чоршанба кунин кечга яқин кўрсатувлар тик-ланиши мумкин.

Ў.А.

### МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ МАҲАЛЛАЛАРИ

## ПОЙТАХТНИНГ ЧЕККА ГЎШАСИ САНАЛГАН ЎРИҚЗОРНИ БУГҮН ТАНИБ БЎЛМАЙДИ

Пойтахт бир қарашда «ялтироқ-лашган» бўлса-да, яқин-яқингача унинг атрофи чақалакзор, эски-тус-кумат ҳам амалий ёрдам бера бош-лади: қурилиш ашёлари, гиниш, ёғоч, тахта, қувурлар шу жойнинг ўзида сотила бошланди. Бу бунёдкорлик ҳаракати худди Катта Фарғона кана-ли ёки бошқа халқ сазъ-ҳаракати билан қуриладиган иншоотлар син-гари одамлар шижоатини кўзаб юборди. Урни келганда ҳашар ҳам ташкил этилди. Одатда бундай иш-ларнинг бошини қовуштиришда зук-

ко оқсоқолларнинг билим ва тажри-баси қўл келади. Шунинг учун бу маҳалланинг 2-кичи туманига пен-сионер Раъно опа Қосимова сайлан-ди. Уша вақтларда оқсоқолларга дав-латдан маош берилмас эди. Раъно опа жамоатчилик ишини зўр ғайрат ва ташаббускорлик билан амалга оширдилар. Тез орада электр симо-ғочлар қад ростлаб маҳаллага чиқоқ келди, 36 та кўчага газ қувурлари ўрнатилди. Дарвоқе, аҳоли ўтроқла-ша бошлагач, бу ерда змонвий ма-ктаб қурилди. Ҳозирги кунда барча

кўчалари асфальтланган, телефон тар-моқлари ўрнатилган, ушбу маҳалла-ни таниб бўлмайдди. Ўриқзорда 1400-хонадон истиқомат қилади, 2 та мак-таб, бир боғча, тўртта озиқ-овқат дў-кони, маиший хизмат уйлари иш-лаб турибди. Аҳоли талабига биноан шу маҳаллада Абу Ҳанифа номида-ги масжид ҳам қурилди. Барча ша-роитлар етарли. Халқ ўз ҳамкорли-ги, ғайрати билан бунёд этилган ма-ҳалла ҳозирда эл назаридандир.

Н.АЛИМОВ.

### ҲОМИЙЛАР МАҲАЛЛАГА ҚАЙИШДИЛАР

Қибрай тумани Қибрай шаҳарчаси маҳаллалари идоралари учун шу кун-ларда ҳомийлар бош қотира бошла-ди. Байрам арафасида эса Фуқрат маҳалла фуқаролар йиғини раиси То-либ Тўраевнинг ва Усмои Юсупов номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Юрий Урмакаевнинг қувончи-ни тушуна бўлади.

Негаки, бу икки маҳалла Мустақиллик байрами арафасида ўз идорасига эга бўлиши. Бу биноларнинг қурилишида аввало ҳашар, сўнг ҳомийлар кўмаги ас қотди. Тадбиркор Абдуали Фуқрат маҳалласи учун ўз маблағи ҳисобидан саҳийлик қилган бўлса, Усмои Юсу-пов номи маҳалла учун машҳур кинорежисёр Дамир Салимов ўз маблағини аямади.

Ҳар икки маҳалла идорасида бугунги замон талаб-лари даражасида қулайликлар бор.

Шунингдек шаҳарчининг Беруний маҳалласи учун ҳам ҳашар йўли билан маҳалла идораси қуриломоқда. Бу маҳалла учун ҳам қувончли кунлар яқин.

- Маҳалла идораси эл хизматида бўлади. Шунинг учун ҳам кишиларимиз бу борда ўзларининг ҳи-матларини аяшмайпти, - дейди шаҳарча фуқаролар йи-ғини раиси Бахтиёр Усмонов.

### ҒАЛЛАОРОЛДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Ғаллаорол шаҳридаги хунар лицейи биноси капитал таъмир-дан чиқарилди ва қўшимча хона-лар қурилди. Шарқона услуб қа-саб этган ушбу бинонинг ўқув йи-лига тайёрлаш учун 280 миллион сўм сарф этилди.

- Саноат касб-хунар коллежи-миз 600 ўрикли бўлиб, 5 та фа-культетда 20 та йўналиш бўйича касб-хунар ўрганадлар, - дейди коллеж раҳбари Сабоҳат Қудло-шев. - Жумладан тиккувчилик ишлаб чиқариш факультетида 4 та йўналиш бўйича, қишлоқ хў-жалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш факультетида 5 та йўналиш бўйича касб-хунар ўр-ғанадлар. Хоналар ўқув асбобла-ри, кераккин инвентарлар билан таъминланди. Ўқитувчилар тест синови ва мўтабабар комиссия-аъзолари суҳбат орқали танлаб олинди. Тиккувчилик ва автогра-нспорт бўлиmlарига танлов асо-сида талабарлар қабул қилинди.

Ўқув йили бошланишига ҳар тарафлама тайёргарлик кўрдик. 100 ўрикли ётқоқ хона, ошқона-лар капитал таъмирдан чиқари-ган.

Алибой ЭРҒАШЕВ.

## СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН МАВЗУ СИЗ ФУҚАРОСИЗ...

(Давоми. Боши аввалги сонда.)

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Адлия ва-зирлиги қонлидаги «Наврўз» оила-ниқоҳ маросимлари маркази директори З.Акромхўжаева жавоб беради.

Савол: - Умуман, гувоҳнома олишда давлат божини (пошлинаси) олиш тартиби қайси қонунда қан-дай белгиланган?

Жавоб: - Фуқаролик ҳолатларининг қайд қилинганли-ги ва уни тасдиқловчи гувоҳномани беришда олинган давлат божини (пошлинаси) қанчалик белгиланган тартиб ва миқдорда олинади. Тугилганликни, вафот этганликни, фарзандликка олиш, оталиқни белгилаш ва бошқа айрим фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш ҳамда гувоҳнома беришда давлат божини олинмайди ёки жуда кам миқдор-да олинади.

Қайси ҳолларда ва қанча миқдорда давлат божини оли-ниши, уни тўлашдан овоз қилиш ҳоллари «Давлат божини ҳақиқат» қонун билан тартибга солинади.

Савол: - Фуқаролик ҳолатини актларини давлат томонидан қайд этиш қайси жойда (худудда) амалга оширилади?



Жавоб: - Боланинг туғилганлик ҳолатини акти бола туғилган жойда ёки ота-оналари яшаб турган жойдаги ФХДЕ идораси томонидан рўйхатга олинади. Башарти бола самолётда, поезд ёки бошқа транспорт турларида туғилса-чи? Бундай ҳолларда боланинг туғилганлик ҳолатини ота-оналарининг (ёки уларни-не биринчи) яшаб турган жойдаги ёки ота-она кетаётган йў-налишида бошқа ҳар қандай ФХДЕ идорасида давлат рўйхати-дан ўтказилади. Бу ҳолатда қонун алоҳида ҳолларда яши туғ-риқхонадан ташқари жойларда ва тиббий ёрдамсиз туғилган бо-ланинг туғилш фактини тасдиқлаш учун гувоҳлик берган шах-сларнинг (қамиди 2 киши) имзо чеккан ва участка шифокори ёки фельдшернинг имзоси билан тасдиқланган даволатнома асосида қайд этилишини белгилайди. Бола ўйда тиббий ходим ёрдамида туғилса ҳам туғилганлик ҳақида гувоҳнома туғилган қабул қилган ёки болани туғилганда ёрдам берган тиббий ходим томонидан имзоланган ва шу ходим ишлаган миқдосда томонидан тас-диқланган маълумотнома асосида 1 ой муддат давомида она яшаб турган жойдаги ФХДЕ идораси томонидан берилади.

Савол: - Боланинг туғилшини халқаро йўлларда - ҳаво кемасида, ёки бошқа транспорт воситаларида, жумладан сув кемасида содир бўлганда-чи?


Жавоб: - «Фуқаролик ҳолатини рўйхатга олиш қонди»ни-не 36-моддаси тартибда мувофиқ ҳаво кемаси келиб қўлган, сув кемаси тўхтаган портдаги ёки бошқа транспорт восита-си тўхтайдиган жойдаги Ўзбекистон Республикасининг кон-суллик хизмат маҳкамасида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

Давоми бор.

# Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви



ҲАМИЮРЛАРИМИЗНИ РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ БИЛАН ҚУТЛАЙДИ ВА ШУ МУНОСАБАТ ИЛА ҲАР БИР ЎЗБЕКИСТОНЛИККА ҚАЛБ ОСОИШТАЛИГИ, ХОНАДОН ОБОДОСЛИГИ, ЮРТ ОЗОДЛИГИ АБАДИЙ БЎЛИШНИ ТИЛАБ ҚОЛАДИ.




**ТОШШАҲАРЮКТРАНС**  
концернига қарашли  
**143-АВТОКОРХОНА ЖАМОАСИ**  
ҳамиюртларимизни энг улуг, энг азиз айём -  
Мустақиллик байрамининг 9 йиллиги билан муборакбод этади.  
Мамлакатимиз меҳнаткашларининг хонадонларига тинчлик,  
бахт ва қут-барока тилаб қолади.



**ҚУТЛАЙМИЗ**  
**МАХСУСПОЛИМЕР = ЗОВУР**  
буюмлари тажриба корхонаси

Республикаимиз Мустақиллигининг 9 йиллиги барча ватандошларимизга муборак бўлсин. Халқимизнинг яратувчанлик йўлидаги саъй-ғайрати Ўзбекистоннинг янада равнақ топиши учун ҳисса бўлиб қўшилавсин.

Махсусполимер-зовур буюмлари тажриба корхонаси жамоаси.




«Mahalla» газетаси жамоаси ўз муштариolarини, барча маҳалла аҳлини, Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам - Мустақиллик кунин билан чин юракдан қутлайди.  
Халқимизни ўз муштариolarлари сафида бўлишга даъват этади.

## «СОҒБОН-НОН» АЖ

Ўзбекистон халқини республика Мустақиллигининг 9 йиллиги билан муборакбод этади. Юртимизга тинчлик, фаровонлик ва бахт-соадат доимий ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.

Шунингдек, 5 сентябрь соат 10.00 да «Соғбон-нон» АЖ акционерларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси бўлиб ўтишини маълум қилади.



ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

# 26. ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАРОКАТ

ҚАЛЬ ОЗУҚАСИ ИЛМДИР

**Оллоҳга муҳаббат билан қилинадиган эзгу иш афзалдир. Риё, ҳўжа кўрсинга адо этилган ибодатдан наф йўқдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: шукроналик билан яшайлик.**

Атрофга қаранг, бу ислоҳотлар, одамларнинг онг, фикр эркинлиги, меҳнат қилиш эркинлиги - бу улугъ неъмат эмасми? Ношукрлик Оллоҳга ҳам хуш келмайди. Мана эътибор беринг, қарда ношукрчилик, жанжал, тўполон бўлса шу ерга Худо ўзининг балосини юборапти...

Юртбошимиз айнан ҳақ гапни айтганлар. Дунёда Оллоҳ таолонинг бандаларига берадиган энг лаъиз, энг улугъ неъматларидан бири тинчлик, хотиржамлик бўлса, яна шу қаторда эркинлик, мустақиллик, озодлик турди. Тани согъ бўлса, тинчлик бўлса, эрки ўзининг қўлида бўлса, озода бўлса, биронинг қўлига, қош-қовоғига қарам бўлса, инсонга бундан ортиқ азоб, бундан ортиқ таҳқир бўлмайди. Тарих учун тўққиз йил оз муддат кўринадилар, лекин Оллоҳ уни барокатли қилишдан гап кўп. Агар бир юз ўттиз йил мустақил бўлган бўлса, кейинги мустақиллик йилларида яъни тўққиз йилнинг ичиде бир юз ўттиз йилда қилинмаган ишлар қилинди. Мен энди Ислом дини хизматисини бўлаганим учун, диний ҳодим бўлаганим учун бу барпо этилаётган ишларнинг, давлатлар билан алоқаларимизнинг, етимнинг, қарияларнинг дуолари олинганлигини, фарзандларимиз келажик учун қиланган ишларини гапириб ўтиришимга ҳожаз нуқ, бундан юртдошларимиз кўриб, билиб туришибди. Оллоҳга беавад шукр дин эркинликка, виждон ҳурлигига эришдик. Ислом илмининг мукамал билиш имконига эришдик. Урганапмиз. Икки юз, уч юз йил ичиде бунчалар кўп мусулмонлар Маккага Мадинага зиёрат қилмаган. Мустақилликнинг тўққиз йилда қирқ мингдан ортиқ мусулмон Ҳаж амалини баъжариб келди. Мадрасаларни айтинг, курилатган масжидлар, мадрасалардаги ўқиш тартиблари, ҳам лунсий, ҳам ислом илми чуқур ўрганилапти. Мана Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Ислом Университети очилди. Бу жуда катта, улугъ неъмат. Масжидларимиздаги шароитларни қаранг, иссиқ сув, совиқ сув, ҳамма ер олоди. Қайси дин, қайси маъбада бўлманг, Оллоҳга ибодат қилиш эрки қўлинганда. Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам Самарқанднинг узиде ё Бухорода «Муҳаммад ибни Исмомил Бухорий ким бўлган?» деб сўрасангиз маълум кишилар биларди холос. Ҳали исломнинг сўлтони бобомизнинг ким эканлигини чет эллага мусулмонлар биланширдилар, лекин ўзини билмаслик. Мана энди ўзбек халқи боболарининг қимлигини, уларнинг дини Исломга қандай хизмат қилгани, дунё илми ривожига қандай улугъ қўлини қилгани кўриб билишмоқдалар. Саккиз ой ичиде Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Имом Бухорий бобомизга атаб бетакор мақбара қуриб битказилди. Ҳозир ҳар кун минглаб зиёратчилар келиб Оллоҳга шукроналар қилишмоқда.

Оллоҳим Куръонда айтади, «Шукр қилсангиз, мен яна зиёда қилар бераман...». Кундан-кун зиёда бўлишимиз, чуқки халқимиз шукрли халқ, Оллоҳга шу қифо. «Ал-ҳамдулиллоҳ, ўзинга шукр» дегангиз бўлди. Оллоҳ, тонги уриб талқон қилиб бергин, демайди. Оллоҳнинг тан олиб, бераётган неъматига, шу тинч кунларга шукрини айтсангиз, Оллоҳ яна зиёда қилиб бераверади.

Ота-оналар ҳам, муаллимларимиз, тан олиш керак, Ислом дини вакиллари ҳам бу ишга яхши аҳамият бермадик. Мана оқибатда фарзандларимизнинг қалби буш қолди. Ва шу буш жойни ёвуз ниятга, мустақилликнинг душманлари ўзларининг гоилари билан, зуравонлик, шахсий манфаатларга қаратилган мафкураларини ёшлар онгига киргизиб оляпти.

Қатъий туриб илмсизлик, жаҳолат, ақилпарастлик ва диний экстремизмга қарши миллий мафкура, маънавий тарбияни қарши қўй билишимиз керак. Инсон танаси, жисми озуқа билан ҳаракатланиб туради. Лекин қалб деган бир улугъ неъмат борки унга ҳам озуқа керак. Бу иймон, эътиқод, хайр саваб амаллар, илм ва маърифат сабаблари. Фарзандларимизнинг қалбига зарур бўлган руҳий озуқа ҳақида ҳам доимо уйлашимиз керак... Ҳар бир ишнинг маслаҳат билан, илм билан, ақл-парок билан ҳал этилишини насиб этсин. Оллоҳ ҳаммамизни руштиниялга қилсин. Жанжалу фитнанинг пайида бўлганларга Оллоҳ ўзи инсофу тоғуқ берсин.

БУГУННИНГ ГАПИ

## НИҚОБДАГИ «ОТИНОЙИ»ЛАР

роп бўлдим. Шу ёшида-я?! «Ҳа, амри маъруф ўқиб, ҳаммани дину ислом йўлига бошлайдё» дейишди. Аслида шу «отин қиз» мен меҳмон бўлган хонадон эгаларига қўшни тураккан.

Кечқурун ҳовли оша яна унга қўшни тушди. Ишонасизми, ҳалигача мен кўрган «отинойи» энгиз қовға ва шим кийган, сонлари қалта қирқилган ўта замонавий кўринишдаги қиз экан! Ундаб қўласан киши. Узини «отинойи» деб юрганлар ким ўзи? Мадараса аёл энди даврама-давра юриб, «амри маъруф» ўқийди! Амри маъруф нима ўзи? Динимизга оид маънавларда келтирилган, «Амр бил-ла-маъруф ва наҳий ан-ал-муркор» (яхшилик йўлига бошлаб, ёмонликдан қайтариш) яъни, мазмунан мусулмон фарзандларини исломга ўргатиш, диний йўлга етаклашлар. Олдани халқ тилида «насиҳат қилиш» маъносига қўлланлади. Энди ўйланг. Бугунги кунимизда эъ эрки, ўз фикри, ўз эътиқодига эга бўлган кишиларга ҳадеб насиҳат қилиш тўғри бўлармикми?

Қадимда аёллар орасида диний сабоқни кўрни кўрган, турмуш машаққатларини бошдан ўтказган улусифат аёллар баъжаришган. Улар ҳаёт ҳикматларини яхши билганлар, кишиларни отир дамларда сабр-қаноатли бўлишга ундаган, шукр қилмоқликни ўргатишган. Эндилкида бундай ирим-сирим маросимларини ўтказишни тарғиб қилувчилар кўпайиб қолган. Гўёки бошига бирор нш тушган аёл маҳалласидарги хотинларни йиғиб, «Биби мушқулқушо» ё «Биби сешанба» мажлисини ўтказишни лозим эмиш. Диний илмлари «чала» бўлган баъзи отинойилар бу маросимлар тарихига оид нималарни биллишда ўзи? Айтларки ҳеч нарасини. Фақат ўзлари билган сўраларни ўқийдилар, холос. Бундай отиниларнинг кўпчилиги маҳалла-маҳалла юриб, йиғилар, зиёфатларда ўз сўзини ўтказиш, бўлар-бўлмас нарсаларни аёлларга уқитириш билан банд. Аёллар эса фарзанд тарбияси, рўзгор юмуш, жамоат ишига атаб этиш лозим бўлган қимматли вақтларини «отинойи»ларнинг ваъз-насиҳатларини тинглаб беҳуда ўтказиб қўладилар. Ахир, бундай насиҳатларни ҳар бир олдий аёлнинг ўзи ҳам яхши билдику.


Самарқандда бўлганимда менга Хурсаной деган аёл ҳақида гапириб беришди. У қиллоқ мактабиде кўп йиллар муаллимлик қилган. Болалари вағда ета бошлагач, буш пайтларда бозорга чиқа бошлаган. Майда-чуйда сотиб, тирикчилигини яхшилаган. Бозорда бир аёл билан танишиб қолган. У аёл турли дуолардан тумор жсаб, аёлларга сотиб юраркан. «Дуоларни қандай ёзасиз? Эскича илми қарда ўргангансиз?» деб сўрайди Хурсаной. «Э, араб ёзувини билмайман. Бу дуоларни китобчалардан қирқиб, сўнг нусха қилиб кўпайтирдиман. Ана шуларни тумор ичига қўйиб тикаман!» дейди ўша аёл. Хурсаной ўйлаб қараса, кунининг иссиғию совуғида бозорда ўтиришдан кўра, тумор тайёрлаб пул ишлаш осон. Узи ҳам шу ишга қўл уради. Пули кўпайгач, ўқитувчиликни ташлайди...

Аксариятимиз ўз кучимиз, ўз иродамиздан кўра кўпроқ туморларга ишонамиз. Туморларни ким тайёрлаган, қандай қилиб тайёрлагани, бу билан ишимиз йўқ. Ҳатто Ҳадис Шарифда ҳам Аллоҳнинг қудратига шак келтирилган кишига туморлардан наҳот излаши мумкинлиги гапирилган. «Отинойи», «дуохон», «парихон» никоби остидаги аёллар эса дин эркинлиги йўлида берилган имкониятлардан ўз шахсий ниятлари йўлида фойдаланишга эришди. Биз уларга алданишимиз керакми, ахир?!

Маълумки, мустақиллик йилларида биз динимиз, тарихимиз, тилимиз ҳақида ояқ-ошкор сўзлай бошладик. Куръон сўралари, ҳадислар, дуолар, тақдирни айтиш, фол кўриш сирү синоатлар билан битилган юзаб энги китобларни чоп этишдан мақсад қилишимизнинг дин илми билан боғлиқ ҳақиқатлардан огоҳ этишдир. Лекин, шу китобларни қисман аёл олим, ўзлар «отинойи» деб эълон қилётганларнинг мақсадлари бошқача. Аёлларнинг вақтини ўйриллаш, маънавиятини издан чиқарилган, шу аснода ўз ҳамёнларини тўлдирришдан иборат. Оқибатда баъзи аёллар уларга эргашиб, буткул ўзгача таъсирларга берилиб, нуқул ирим-сиримларни амалга ошириш билан банд бўлиб қолаёттирлар.

«Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деган эълор Президентимиз ва динимиз ҳақидаги тушуначаларни бузиб кўрсатаётган шахсларга нисбатан мурокасиз бўлишимиз зарурлигини қайта-қайта уқитиришларимиз керак. Аслида инсонийлик гоилари билан сўтирилган исломий илмлар қалбимизни поклаб яшашга, сабр-тоқатли, шукрли бўлиб, ҳалол кун кечиринишга даъват этди. Шундай экан, эзгулик ва яхшилик умидларини ўзгалардан эмас, ўзимиздан қидирайлик. Динимиздаги турумуз, ишончимиз ва эътиқодимизга асло гард тегмасин.

Гулҳебра ЖАМИЛОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



Вой-буй, ҳамма ёқни буғлаб юбарибсиз-ку? Кечирасан, мен ишхонамда ўтирибман деб ўйлабман.

## МАҲАЛЛА-ДОШАЛАРИМИЗ ВАТАН ҲАҚИДА

Ватанини сотмоқ,

Балчиққа ботмоқ,

Ватандан кетсанг йироқ,

Қайтишни ўйла ҳар чок,


Она-Ватан тупроғи,

Ҳар жоннинг жаннат боғи.

Ватанининг ҳар ёғи,

Юрагимнинг ардоғи.

Саидмурод САИДАҲМАД.



Дорда юриш осон иш эмас, оғайни



Вой-буй, ҳамма ёқни буғлаб юбарибсиз-ку? Кечирасан, мен ишхонамда ўтирибман деб ўйлабман.

Таътилдамисиз, биродар? Йўқ, «балиқчи» дамман.

А.ҲАКИМОВ чизган расмлар.

Вой-буй, ҳамма ёқни буғлаб юбарибсиз-ку? Кечирасан, мен ишхонамда ўтирибман деб ўйлабман.

Таътилдамисиз, биродар? Йўқ, «балиқчи» дамман.

А.ҲАКИМОВ чизган расмлар.


Вой-буй, ҳамма ёқни буғлаб юбарибсиз-ку? Кечирасан, мен ишхонамда ўтирибман деб ўйлабман.

Таътилдамисиз, биродар? Йўқ, «балиқчи» дамман.

А.ҲАКИМОВ чизган расмлар.

Вой-буй, ҳамма ёқни буғлаб юбарибсиз-ку? Кечирасан, мен ишхонамда ўтирибман деб ўйлабман.

Таътилдамисиз, биродар? Йўқ, «балиқчи» дамман.



— Билиб қўйинг, янги йил учун «МАНАЛЛА»га обуна бўлмасанг, яна кўп нарсалардан беҳабар қоламиз.

## РУҲИЯТНИНГ МАНЗИЛИ ЙИРОҚ

Дунёда энг орзуманд халқ ўзбек бўлса ажабмас. Шунга ўхшаш фикрни мен ўз даврида қадр топмай ўтиб кетган олим, ҳар томонлама теран билимлар соҳиби Омонулло Валихоннинг мана бу ҳикоясидан уққан эдим: «Асримизнинг бошларида Андижондаги Жоме масжиди қошидаги мадрасада эътиборли бир мударрис бўлар экан. Ул зотнинг олдида илмталаб фарзандларини етаклаб келган оталар «эти - сизники, суяги - бизники» дея шогирдикка топширар экан. Бўлгуси устознинг бошларига берадиган дастлабки саволи шундай бўлар экан: «Хўш, бўтам, бизнинг даргоҳда илм олиб ким бўлмоқчисан ўзи?» Шунда отасидан озгина тилёғламлики юқтириб улгурган бола: «Энди домла, шу сиздай одам бўлсам», деб жавоб берса, кекса мударрис йигитча кулонининг солиночидан беозоргина тортиб: «Бўтам, сен қамида Имом Бухорий, Имом Термизий сингари олим уламолардек бўлсам, деб ният қилгин. Ўшанда балки мендек бўларсан. Ҳозирдан мўлжал-ни калта олсанг, эртага ким ҳам бўлардинг!» дея танбех берав эканлар.»

Ҳолбуки, бир мартагина насиб этадиган умрининг талаб ва эҳтиёжлари ҳам шунга яраша жиддий ва салмоқли бўлгани дуруст. Масалан, мен умр бўйи машина сотиб олишни орзу қиладиган, шу мақсад йўлида ўзини ўтдан олиб чўққа урадиган, муддаосига эришгач эса кўнглидаги «душман»ларининг куйганидан ҳузур туядиган одамлар экан. Ул зотнинг олдида илмталаб фарзандларини етаклаб келган оталар «эти - сизники, суяги - бизники» дея шогирдикка топширар экан. Бўлгуси устознинг бошларига берадиган дастлабки саволи шундай бўлар экан: «Хўш, бўтам, бизнинг даргоҳда илм олиб ким бўлмоқчисан ўзи?» Шунда отасидан озгина тилёғламлики юқтириб улгурган бола: «Энди домла, шу сиздай одам бўлсам», деб жавоб берса, кекса мударрис йигитча кулонининг солиночидан беозоргина тортиб: «Бўтам, сен қамида Имом Бухорий, Имом Термизий сингари олим уламолардек бўлсам, деб ният қилгин. Ўшанда балки мендек бўларсан. Ҳозирдан мўлжал-ни калта олсанг, эртага ким ҳам бўлардинг!» дея танбех берав эканлар.»

Мен ушалиши у қадар қийин бўлмаган ва рўёбга чиқиши учун қаттиқ машаққат талаб қилинадиган икки тоифа орзуларни бошқачароқ номлаб, унисини - майда, бунисини - буюк орзулар деб атагим келди. Очғи, аксариятимиз майда орзулар қобиғидан чиқа олмай, ўшаларга интилиб, рўёбга чиққандан сармаст бўлиб умрни совурамиз. Аслида инсон табиати ана шундай алданишга мойилроқ бўлади. Чунки бу ҳол одамнинг яшашини осонлаштиради, унинг қувонч ва ўқинчларни қалбини қаттиқ ситанишларга дучор қилмай, руҳини енгилгина оромлантиради.

Аллома Гафур Гулом айтган эди-ку: Тилларда «Оҳ уринг янги турмуш-чун». Зеҳн окуркадай оёқ остида... Ҳа, хоҳлаймизми-йўқми, дунёда майда ва жиддий гап, ўткинчи ва боқий муаммо, ҳашаки ва улугъ қадриятлар, барибир, бир-бириндан фарқланади. Бир нарсалдан воз кечмай туриб иккинчи бир нарсага эришиш душворлиги ҳам бор гап. Инсон ҳар қанча маъза қилиб, тани яйраб ҳаёт кечирмасин, унинг руҳи ҳам шунга яраша яйрайди, деб қафолат бериб бўлмайди-да.

Аслида руҳ танбаллигидан, унинг мудроқлигидан ёқимсизроқ, хавфлироқ нарса йўқ. Нафсий бойликлар аксарият ҳолда руҳни мана шу могорили манзиллар томон етаклаб кетади. Натижада инсоннинг орзулар уфқи беиҳсоҳ тораяди, у худди ишончасигади қомийотерга ўхшаб, қундузи тўхтовсиз топшириқ бажариб, кечқурун бамайлихотир дам олишни ўзига яшаш усули қилиб олади... Яхшиси, мен ўзимда кузатганим бир ҳолат билан фикримни далиллашга уринай.

Кейинги бир йил-ярим йил ичиде мен мунтазам китоб мутолаасига атай дам берадим-да, кўпроқ газеталар ўқиш, телевидение-тақиллик майдонига йўлни яёв босиб, байрамни шу майдонда қутиб олишга аҳд қилган эди. Бу билан шу ёшда Ватан эрмига бўлган садоқатини ифода этмоқчи бўлдим. У байрамга беш кун қолганда етиб келди. Отаҳон ҳозир «Чорсу» меҳмонхонасининг энг баланд қаватида кўк чой ичиб байрам тантаналарини кутмоқда.

Бир кун яъни мустақилликнинг 9 йиллигини нишонлаш таррадули бошланган кешларда фарзандларидан сўраб қолди: - Уғлим, бизнинг қишлоқдан то мустақиллик майдонига қанча йўл? - Уғлим ҳайрон бўлди-ю, барибир жавоб бериб қўя қолди: - Тахминан 400 километрга бордир... Йўлдош ота 28 июль кунни йўлга тушди. Ҳа, ўз қишлоғидан мус-

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босма хонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.



Кўй (21.03-21.04). Ҳафтанинг чоршанба ва жума кунлари оғирроқ келади. Пайшанбада лақиллатиб кетишларидан эҳтиёт бўлинг. Ҳафтанинг боши ва охири ҳайрли келиши кутилади.

Бузоқ (22.04-20.05). Ҳафтанинг пайшанба ва жума кунлари молиявий ҳолатингизни ўнглаб олишга қулай. Шу сабабли ҳам дам олиш кунларини жуда кўтаринки кайфиятда ўтказасиз.

Эгизаклар (22.05-21.06). Чоршанбада ажойиб хушбағлар эшитасиз. Жумода чўнтагингизга пул тушса, асло ажабланманг. Дам олиш кунларини юксак кайфиятда ўтказасиз.

Кискибақа (22.06-22.07). Кўнглингиз чўкмасин, лекин бу ҳафта сизга бироз оғирроқ келиши кутилмоқда. Ҳафтанинг пайшанба кунни машқингиз бироз паст бўлади. Жума ва шанба эса жанжалли ҳолатларга дучор бўлишдан худдо асрасин.

Арсдон (23.07-22.08). Чоршанбада худо хоҳласа, пулингиз кўпайиб қолади. пайшанба кунни ҳам кўтаринки кайфият ҳамроҳингиз бўлади. Шанба ва яқшанба кунлари ҳам ҳайрли келиши мумкин.

Паризод (23.08-22.09). Ҳафтанинг биринчи ярмида ҳоз берган турли зиддиятли ҳолатлар жума кунларидан бошлаб ижобий томонга қараб ўзгаради. Қолган кунларда яхши буюмлар харид қилишингиз, чўнтагингизга пул кириши ҳамда ишқий саргузаштлар гирдобига шўнгингиз мумкин.

Тарози (23.09-22.10). Жума ва шанба кунларида ишқий можаролар домнда чарх урасиз. Пайшанбада молиявий аҳволингизни ўнглаб олиш имкони туғилади.

Чаён (23.10-22.11). Пайшанба ва шанба кунларида ўзингизни енгил сезасиз. Дам олиш кунларида кўнглидагидек ҳордиқ чиқарсангиз зарар қилмайди.

Ўқотар (23.11-21.12). Чоршанбада кайфиятингиз яхши бўлади. Пайшанбада амалий учрашуларда бўлишингиз мумкин. Шанбада эса ишқий саргузаштлар завқидан масрур бўласиз. Яқшанбада лақиллатиб кетишларидан эҳтиёт бўлинг.

Тоғ эчкиси (22.12-19.01). Пайшанбада ишқий учрашулардан динлигиз қувончга тўлади. Жума кундан бошлаб сал ўзингизни лоҳас сезасиз ва шанбада бирон можароли вазиятга тушиб қолшингиз эҳтимолли бор. Яқшанбада аҳвол яхши томонга ўзгаради.

Ковга (20.01-18.02). Чоршанбада соғлигингиз хуусида ўйлашга тўғри келади. Жумода бирон жанжалга аралашиб қолшдан сақлангиз. Шанба ва яқшанба кунларида ҳордиқ чиқариб, чарчаган асабларингизга дам беринг.

Балиқ (19.02-20.03). Чоршанбада хушбағлар тинглайсиз. Жумода чўнтагингизга пул тушиши эҳтимолли бор. Шанбада соғлигингиз хуусида ўйлашга тўғри келади.

MANALLA га обуна бўлиш учун ҳеч қачон кеч бўлмайди. Таҳрир хайлати: Шухрат ЖАЛИЛОВ, Иброҳим РАҲИМ, Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ. Масъул котиб: Аслиддин БҮРИЕВ. Набати: Музаффар НОРМАТОВ. Сахифаловчи: А. ЮЛДАШЕВ. iBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ. Бюролма Г-640. Топширилди—20.30